

Ishonch

2019 йил 18 июль • пайшанба • № 87 (4216)

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Хоразм вилояти

Ислохот ва истиқбол

Кўхна тамаддуннинг янги даври

«Хоразм воҳаси шундай хосиятли бир юртки, унинг ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган беқийс сеҳри, жошибаси бор. Чунки Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади», деган эди Шавкат Мирзиёев 2017 йил октябрда халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кўхна тамаддун бешиги бўлмиш Хоразм учун янги тараққиёт даври бошлангани бугун кўпчилик эътироф этмоқда.

— Юртимиз шунчалик тез ривожланиб кетди, киприкни ҳар қочиб очганда янги бунёдкорлик намунасини кўряпмиз, — дейди халқ депутати Хоразм вилояти кенгаши депутаты, меҳнат фахрийси Ибодулло Болтаев. — Атиги уч йил аввал сайловчилар билан ўтказган учрашувларда улар «бизга газ, электр муаммосини ҳал қилиб берсангиз бўлди, бошқа ҳеч нарса керак эмас», дейишарди. Бугун эса бутунлай бошқача саволлар кўндаланг қўйилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, эҳтиёжманд қишлоқдошнинг ижтимоий муаммосини ҳал қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, маҳаллада мактабга таълим муассасаси қуришда ёрдам сўрайдиганлар кўпайди.

ДУНЁ ХОРАЗМГА ЮЗ БУРМОҚДА

Хивага темир йўл келиб, орзулар ушалди. Замонавий Хива темир йўл вокзали фойдаланишга топширилиб, ҳафтада 3 марта Бухоро-Урганч-Хива йўналиши бўйича, 4 марта Тошкент-Урганч-Хива йўналиши бўйича ва 1 марта Андижон-Урганч-Хива йўналиши бўйича ҳаракатланувчи поезд қатнови йўлга қўйилди.

Ичан қалъада «Қадимий Хоразм тарихи», «Хоразмшоҳлар» ва «Хоразм давлати хоналари» музей экспозицияларини яратиш устида изланишлар давом этмоқда. Қалъага киришда турникет ўрнатилди. Аудиоқўллар хизмати йўлга қўйилди. Янги меҳмонхоналар, меҳмон уйлари шаҳар кўрғига қўрқ қўйди.



Бу каби чора-тадбирлар натижасида сайёҳлар оқими янада кўпаймоқда. Масалан, вилоятга 2017 йилда 60 700 нафар хорижий сайёҳ келган бўлса, 2018 йилда бу рақам 123 минг нафарга етди. 2019 йилнинг ўтган даврида эса 100 минг нафарга яқин чет эллик сайёҳ келди. Йил охиригача бу кўрсаткични икки баробар ошириш кўзда тутилмоқда.

Бугун Дишан қалъа қайта тикланмоқда. Энди сайёҳлар нигоҳида бир вақтнинг ўзида ҳам замонавий, ҳам қадимий Хива қиёфаси намоён бўлади.

Шу ўринда эндиликда Хоразмга нафақат қадимий обидаларни томошга қилиш, балки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий мақсадларни кўзлаб ташриф буюрувчилар сафи ортаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўтган йили бу ерда Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги биринчи халқаро олимпиада ўтказилди. Президент саврини учун Паҳлавон Маҳмуд номидаги халқаро полвонлар турнири ташкил қи-

линди. Халқаро рақс фестивалининг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Қовун сайида ҳам иштирок этиш ва ушбу наъматдан тотиб кўриш учун минглаб сайёҳлар келмоқда.

ИҚТИСОДИЁТ ЮРАГИ

Давлатимиз раҳбарининг ғоялари, таклиф ва тавсиялари, топшириқлари асосида ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламининг йилдан-йилга ортиб бораётгани воҳа ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2018 йилда Хоразм вилоятига 3 триллион сўмлик инвестиция киритилган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан 22,8 фоизга кўпдир. Жорий йилда бу рақамларни кескин ошириш бўйича чоралар кўрилмоқда. Унга кўра, умумий қиймати 8,7 триллион сўмга тенг бўлган 1003 та инвестиция лойиҳасининг манзилли рўйхати тасдиқланган бўлиб, шу кунгача 2,4 триллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилди.



Бошқача айтганда, 390 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг эъзига 3000 тага яқин янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда вилоятда 102 та хорижий капитал иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасида Хитой давлати билан ҳамкорликда «Питнак панель» МЧЖ қўшма корхонаси ташкил қилиниб, сендвич панеллари ишлаб чиқарилмоқда. Жанубий Корея компанияси билан биргаликда «Дамас» ва «Лабо» автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу йил апрель ойида эса вилоятда биринчи марта кенг қамровли тадбир — «Хоразмга инвестиция киритинг!» шiori остида форум бўлиб ўтди. Унда 24 та давлатдан 100 дан зиёд компания вакиллари иштирок этди. Эътиборли жиҳати, форум доирасида қиймати 284,5 миллион АҚШ долларлик 18 та инвестицион келишув имзоланди.

3 >



КУН НАФА СИ

«Хоразм вилоятининг илмий-техник ва инновацион салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. «Ҳуқуқий ахборот» канали

«Дастурий маҳсулотлар ва технологиялар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. «Ҳуқуқий ахборот» канали

Дилшод Файзиев Бухоро вилояти прокурори этиб тайинланди.

Бosh прокуратура матбуот хизмати

Умрбек Исмоилов Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижро этувчи директори вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

uz.uz

Давлат хизматларини олишда электрон рақамли имзодан фойдаланиш ихтиёрий бўлди.

Давлат хизматлари агентлиги матбуот хизмати

«Бейнеу – Акжигит – Ўзбекистон чегараси» халқаро автомагистрални очилди.

gazeta.uz

1 октябргача импорт қилинган қорамол ва парранда гўшти қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

Бу йил Ўзбекистон ОТМ-лариغا 1 миллион 66 минг 925 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Энг кекса абитуриент 87 ёшда, энг кичиги эса 14 ёшда.

Давлат тест маркази матбуот хизмати

Покистон ва Ҳиндистон барча тижорат парвозлар учун ўз ҳаво кенгликлари ҳудудини очди.

Транспорт вазирлиги матбуот хизмати

Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қабул қилган Ижролар ва фонограммалар бўйича шартнома ҳамда Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома иштирокчисига айланди.

ТИВ матбуот хизмати

Ўзбекистонда электромобиль технологиялари учун синов ва сертификатлаш маркази ташкил этилади.

kun.uz

Германия Федератив Республикаси Федерал президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Урганч давлат университети ректори Баҳром Абдуллаев номига ташаккурнома йўллади.

uz.uz

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрами муносабати билан профессионал ва ҳаваскор фоторассомлар ўртасида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» фотосуратлар танлови эълон қилинди.

uz.uz

Ташқи ишлар вазири бошчилигидаги делегация 16-23 июль кунлари амалий ташриф билан АҚШда Диний эркинликларни илгари суриш бўйича иккинчи Вазирлар конференциясида иштирок этади.

xabar.uz

Шу йилнинг 26-30 август кунлари Самарқандда «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали ўтказилади.

uz.uz

Олий таълим соҳаси вакиллари «Ўзбекистон халқига мурожаати» эълон қилинди.

uz.uz

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 17 июль кунини Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Африка ўзқуматлараро комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

uz.uz

«Татнефть» компанияси Ўзбекистондаги биринчи автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчасини очди. АЁҚШ Тошкент вилоятида жойлашган бўлиб, унга ёнилғи Россия компанияси томонидан етказилади.

kun.uz

Сайдулла Элмуродов Бош прокуратуранинг Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси лавозимига тайинланди.

Бош прокуратура матбуот хизмати

Uzbekistan Airways авиаканьяси Тошкент-Тбилиси-Тошкент йўналиши бўйича мунтазам авиаровозларни йўлга қўйди.

kun.uz

Ҳиндистон ва Ўзбекистон терроризмга қарши кураш бўйича долзарб масалалар, шу жумладан, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида фикр алмашиди. Учрашув 16 июль кунини Нью-Дехлида, Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашиш бўйича қўшма ишчи гуруҳи саккизинчи йиғилиши доирасида бўлиб ўтди.

kun.uz

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг IV конференцияси бўлиб ўтди.

uz.uz

Теран илдизлар

«Улуғ учинчи дарё...»

ёки Отажон Худойшукуров мероси муносиб эъзоздами?



САҲНА САРИ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

1944 йил 4 октябрда Тўрткўл шаҳрида таваллуд топган Отажон болалигидан санъатга меҳр қўйган эди. Дастлаб мактаб, кейинчалик туман миқёсидаги тадбирларда қатнашган иқтидор соҳиби ўқувчи-ижрочиларнинг республика кўрик-танловида фойлибликни қўлга киритади. Шундан сўнг тоғиси Йўлдош Оллошукуров уни Комилжон Отаниёзов олдига олиб боради. Устоз дуосини олган Отажон Худойшукуров 1960 йили Тошкент шаҳридаги мусиқа билим юртига ўқишга кирилади. Билим юртида бир йил тахсил олгандан сўнг Тўрткўл шаҳрига қайтиб келади. 1963 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат филармониясида иш бошлайди.

Қашқадарё вилояти

Муносабат

Сўз таъсири амалиёт билан

Бугун касабга уюшмалари кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Ходимга қулай ва хавфсиз иш шaroитлари яратиш, унинг ўзи ёки оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирлар, туризм саёҳатлари уюштириш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш, бандликка кўмаклашиш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хуллас, қайси йўналишни олиб қараманг, барча ишларда касабга уюшмаларининг ўрни ва нуфузи борлигини кўрасиз.

Ҳаётининг бир мисол. 2012 йилда «Деҳқонobod калий заводи» МЧЖга ота-онаси Байша Нормўминоева деган қиз касабга уюшмалари ёрдамида ишга олинди. Орадан бир йил ўтиб, у Ойбек Эшматов деган йигит билан турмуш қурди. Фарзанд туғилди.

2 >



Наримон УМАРОВ, Ўзбекистон «АДОЛАТ» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси:



«ПАРТИЯМИЗ ҲАР ҚАНДАЙ КУРАШГА ШАЙ ҲОЛАТДА»

Шу йилнинг декабрь ойида Парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Муҳим сиёсий тадбирга мамлакатимиздаги сиёсий партиялар қай даражада тайёргарлик кўрмоқда?

Ўзбекистон «АДОЛАТ» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Наримон УМАРОВни шу мавзуда суҳбатга тортдик.

3 >

Суҳбатнинг тўлиқ шаклини (видео) www.ishonch.uz сайтида кўришингиз мумкин.

Ishonch
Доверие

Аммо Байшанинг қувончи кемтик бўлиб чиқди. Туғилган бола кар-соқов, яъни гунг, эри эса тирикчилик ваҳидан Россияга кетган эди. Ана шундай паллада чорасиз қолган аёлга яна касабани уюшмаси ҳамхўрлик кўрсатди. Байшанинг турмуш ўртоғини хоридан чақириб олиб, корхонага ишга жойлаштиришга кўмаклашди. Ёш оилага оилавий ётоқхонадан жой берилди. Туман ва вилоят соғлиқни сақлаш ташкилотларидан йўланма тўғрилаб, Байшанинг ўғли Бехрузни пойтахтдаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида даволатишга қарор қилинди. Бу пайтда Байша иккинчи марта болали бўлган, пойтахтга боролмасди. «Деҳқонбод каллий заводи» АЖ касабани уюшмаси кўмитаси аъзоси Зебинисо Салимова Бехруз билан Тошкентга йўл олди. Турли тиббий муассасаларда кўриқдан ўтиди. Барча сарф-харажатларни касабани уюшмаси кўмитаси ва корхона раҳбарияти ўз зиммасига олди. Ниҳоят, интиқлик билан кутилган кун келди. Хорижлик мутахассислар Бехрузни «операция» қилишди. Боланинг ёнида касабани уюшмаси фаоли Зебинисоҳон онадек парвона бўлди...

Беш ёшга кирганда Бехруз илк бор «Она» сўзини тилга олди. Байшанинг кўзидан қувонч кўз ёшлари оқди. Бугунги кунда Бехруз Тошкентдаги махсус педагогик муассасада нутқни ривожлантириш бўйича курсларда қатнашмоқда.

«Халқ сўзи» ва «Ishonch» газеталарида ЎзКФК ҳузурида янги ташкил этилган Ахборот-таҳлил маркази раҳбари Шоқосим Шоисломов билан уюштирилган суҳбатни ўқиб, шу воқеалар кўз олдимга келди. Айтиш жоизки, мақолада касабани уюшмалари амалга ошираётган ишларнинг фаолият қамрови йилдан-йилга кенгайиб бораётгани, олдимизда турган муаммолар муфассал очиб берилган.

Мақоладаги қуйидаги сатрларга эътибор беринг-а: «Башанг кийини, минбарларда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўғрисида чиройли гапирётган хорижлик жанобнинг гапига кўпам ишонаверманг. Унинг гапидан кўра, тақдир тақозоси тўғрисида гапирган билан ота-онанинг уйда сиқилиб яшаётган онага давлат томонидан уй берилгани, унинг ишлари учун тикув цехи ва болалар боғчаси ишга туширилганига оид ахборот минг марта қимматлироқдир».

Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам касабани уюшмалари томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2017-2018 йилларда Қашқадарё вилояти бўйича 180 нафар эҳтиёжманд фуқарога саломатлигини тиклаши учун қарийб 650 млн. 222 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2715 оилага 3 млрд. 174 миллион сўмлик кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари совға қилинди.

Умумий ҳисобда вилоятда юқоридagi

тадбирларга 15 миллиард 564 миллион сўм маблағ сарфланди.


Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Меҳнат соҳасидаги янги жараёнларни таҳлил қилиш учун беқарор бандликни, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ҳамда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини мониторинг қилиш бўйича услубий кўрсатмаси»га асосан бирлашма кенгаши томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилди. Жумладан, жорий йилнинг июнь ойида Ғузор туманида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинганларга яратилган шарт-шароитлар таҳлил этилди. Бунда улар билан меҳнат шарт-

раф этиш юзасидан иш берувчиларга тегишли услубий кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, вилоятдаги айрим тиббиёт муассасалари иш берувчилари томонидан 0,25 ставкада ходимлар билан меҳнат шартномалари тузилаётган ҳолатлар учраб тургани сабабли бирлашма кенгаши бунга қатъий чек қўйиш борасида таъсирчан чораларни кўрмоқда.

Бевоқифият ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида тўхталсак: 2019 йилнинг 1 июль ҳолатида вилоят касабани уюшмаси ташкилотлари бирлашмасига 143 та ёзма, 7 та электрон, 158 та «Ишонч телефони» орқали, жами

Сўз таъсири амалиёт билан



номаси тузилгани, иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши, ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлангани, иш куни бўйича мониторинг кўп нарсаларга оидинлик киритди. 601 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишга жалб этилгани ва уларнинг ҳар бирига ўртача ҳисобда 638179 сўм иш ҳақи тўланаётгани аниқланди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига кўра, республикамизда 2019 йилнинг 1 январидан энг кам меҳнат ҳақи 577730 сўм қилиб белгиланган. Шунга кўра, касабани уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари ҳар ойда иш берувчиларнинг иш ҳақи кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришмоқда. Аниқланган камчиликни бартараф

308 та муурожаат келиб тушди. Ушбу муурожаатлар бўйича 41 ҳолатда тақдимнома киритилди. 278 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланди, ходимларга 37 миллион 123 минг сўм миқдоридagi иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилди.

2018 йилда бирлашма кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари ва жойлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими сайланган вакиллари меҳнат муҳофазасига оид 2356 та қоидабузарликни аниқлаб, 2024 та камчиликни бартараф этишди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида жароҳат олган ходимларга бир йўла ва ойма-ой зарар тўловлари тўлаши тартиби ҳамда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасига оид маса-



Эсон РАЖАБОВ,
Қашқадарё вилояти касабани уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

лалар бўйича муурожаат қилган 56 нафар ходимга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳар йили вилоятда ёш болаларни дам олдириш мавсуми уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Жорий йилда ҳам 25090 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Хусусан, 3000 нафарга яқин кам таъминланган оила фарзандлари, 112 нафар «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳамда 261 нафар бола «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлиmlари томонидан бепул дам олдирилмоқда. Бундан ташқари, мавсумнинг тўртинчи навбатида Оролбўйдан (Қорақалпоғистондан 250 нафар, Хоразмдан 250 нафар) ўғил-қиз Шаҳрисабздаги сўлим «Лочин» оромгоҳида бепул хордиқ чиқаради.

Ғоят муҳим масалалар кўтарилган ва таҳлил қилиб берилган «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» сарлавҳали мақола касабани уюшмаси етакчилари ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб вилоят марказида, сўнгра барча туман ва шаҳарларда унда кўтарилган долзарб фикрлар юзасидан фикр алмашилди.

Бундан ташқари, «Ishonch» газетасида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Касабани уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан ҳам турфа фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Янги қонун лойиҳаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилишда анча мукаммал кўринишига эга эканини таъкидлаш жоиз. Айниқса, қатор моддаларда, жумладан, 30-модда (Касабани уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасида қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи) ҳамда 31-моддада (Касабани уюшмалари, уларнинг ташкилотлари, органилари ва бирлашмаларининг ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишга оид ҳуқуқлари) зиммамиздаги вазифалар, касабани уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни тобора юксалаётгани, бизга билдирилаётган ишонч ортаётганини кўриш мумкин.

Навой вилояти касабани уюшмаси ташкилотлари бирлашмасида «Халқ сўзи» ва «Ishonch» газеталарида эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» мавзусида Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил маркази раҳбари Шоқосим Шоисломов билан суҳбат-мақола мазмуни қизғин муҳокама қилинди.

Муҳокама

Фаоллик асосий мезон бўлиши лозим




– Матбуотдаги ушбу чиқиш долзарблиги, касабани уюшмалари фаолияти билан боғлиқ энг муҳим масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир, – дейди вилоят касабани уюшмаси ташкилотлари кенгаши раиси Назира Тоғаева. – Хусусан, жамоат ташкилотининг халқимиз орасида ва халқроқ майдондаги нуфузини ошириш ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар кишини безэтибор қолдирмайди.

Навой вилоятида кенгаш ташаббуси билан 750 нафар кексага, шунингдек, ногирон ва ўзгалар парваршига муҳтож кишиларнинг 93 нафарига, уч ёшгача фарзанди бўлган 166 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг 1002 нафар фарзандига турли ўқув қуроллари сотиб олиш учун 3 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Олий ўқув юрларида тахсил олаётган чин етим талабаларнинг шартнома тўловлари учун 27 миллион сўмдан зиёд, ёш оилаларнинг уй-жой қуриш ва маиший жиҳозлар сотиб олишлари учун 158 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Булар амалга оширилган эзгу ишларнинг бир қисми, холос.

Қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ушбу тадбир давомида Навой вилояти касабани уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Халилов, юридик бўлим мудири Алишер Раҳматов, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Чорибой Қодиров, ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси Дилафрўз Ҳусова ҳамда тизимнинг куйи бўғинлари вакиллари сўзга чиқиб, бугун ҳар қачонгидан кўра, янада фаол ишлаш, турли меҳнат жамоаларида ишлаётган ва юрт равнақиға ҳисса қўшаётган замондошларимизни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир сўнгида матбуотда кўтарилган муҳим масалалар юзасидан Навой вилоятида ва тизим йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган режалар белгилаб олинди.



Нормурод МУСОМОВ,
«Ishonch»

Фаолият эътирофи

Тошкент вилояти

Пурвиқор тоғлари бағрида

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасига қарашли «Бурчмўлло» оромгоҳи Бўстонлик туманидаги пурвиқор тоғлари бағрида жойлашган.



Ушбу оромгоҳ ҳар навбатда 320 нафар – 8 гуруҳдан иборат 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизни қабул қилади. Умумий режага кўра, мавсумда 1280 нафар болажон соғломлаштирилади.

Болажонлар мавсумни мазмунли ўтказиши учун барча зарур шароитлар муҳайё қилинган. Ҳар бири 10 ўринга эга шинам ётоқхона, санитария қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган ошхона, замонавий услубда жиҳозланган концерт зали, сузиш ҳавзаси,

шунингдек, маънавият ва маърифат хонаси, турли тўғарақлар, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, бири-бирдан қизиқарли китоблар жамланган кутубхона болажонлар ихтиёрида.

– Бу йил кенг қўламли қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди, – дейди оромгоҳ раҳбари А.Юсуфхўжаев. – Кутубхона, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ҳамда турли аттракцион ўйинлари майдонлари дам олувчилар учун ҳозирланди. Болалар саломатлиги, тозалик, овқатланиш тартиби шифокорларнинг доимий назоратида.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаси Республика кенгаши тасарруфидagi Марказий кутубхона жамоаси «Ёш китобхон» кўрик-танлови ҳамда «Локомотив» МЖСК мураббийлари ташкиллаштириётган спорт мусобақаларида фаол қатнашган болажонлар эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.

Назокат НУРМАТОВА,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаси Республика кенгаши ишлар бошқарувчиси



Ёш соғломлаштириш


«Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси тасарруфидagi «Машъал» оромгоҳи Асака туманидаги Ниёзботир қишлоғида жойлашган. Айни кунларда ушбу сўлим масканда Хонобод ва Андижон шаҳарлари, Асака ва Марҳамат туманларидан келган 160 нафар ўғил-қиз яйраб хордиқ чиқармоқда.

«Машъал»да мароқли мавсум

Оромгоҳда болалар билан ишлашни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбари илгари сургун 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Жизза вилояти

Андижон вилояти



Уқувчи-ёшлар ўртасида китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уларни миллий ва жаҳон адабиётининг юксак намуналари билан таништириш мақсадида ташкил этилган кутубхона ҳамма гавжум. Шунингдек, спортнинг футбол, волейбол, сузиш, шахмат-шашка, стол

Азизилло НУРИЛЛАЕВ,
«Андижонкабель» қўшма корхонаси касабани уюшмаси кўмитаси раиси

Ижтимоий ҳимоя – диққат марказида

«Зомин тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасида 160 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий билимларини ошириш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, илғорларни рағбатлантириш, кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш бошланғич касабани уюшмаси кўмитасининг асосий вазифасига айланган.

– Ишчиларимиз йилнинг тўрт фаслида – иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай меҳнат қилишди, – дейди бошланғич касабани уюшмаси кўмитаси раиси Нодира Хўжамқулова. – Муносабат ҳам шунга яраша бўлиши керак-да. Ҳар бир касабани уюшма

баси оммалашиб бораётган касабани уюшмаси кўмитаси Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабани уюшмаси ташкилотлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритгани ҳам бежиз эмас. Касабани уюшмаси аъзолари 100 нафардан ортиқ бўлган жамоанинг фаолиятини тўғри йўлга қўйишда жонқуяр етакчининг хизмати катта, албатта.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
журналист

«1» – **Партия ўз сайловолди дастурларида соғлиқни сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади. Уша ваъдалар, яъни тиббиёт ривожига ҳисса қўшиш фақат қоғозда қолиб кетмадимиз?**

Ваъдаларга вафо хусусида

– Соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Фракция ташаббуси билан соҳага оид 2 та қонун қабул қилинди. Депутатлар сайловчилар билан учрашувларда бирламчи тиббиёт муассасаларидаги ҳолатни ўрганиб, мутасадди раҳбарларга сўровлар ва мурожаатлар орқали кўпгина муаммоларни ҳал этишга эришди. Шунингдек, ўтган даврда дастурий мақсадни амалга ошириш учун фракция депутатлари иштирокида тузилган ишчи гуруҳ барча вилоятларда бўлиб, бирламчи тиббиёт муассасаларидаги аҳолини ўрганди. Улардаги муаммолар таҳлил этилиб, ҳар бир вилоят бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилди ва

улар маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама этилиб, ижрога йўналтирилди. Фракция аъзолари партия фаоллари билан биргаликда жойларда Президентнинг 2017 йил 3 майдаги «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармони ижросини ўргандилар. Натижада фракция ташаббуси билан 2018 йил декабрь ойида Бош вазир ўринбосарида «Фармация» маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишнинг ҳолати ҳамда амалга оширилган чо-

ра-тадбирлар ҳақида» Парламент сўрови юборилди. Шунингдек, партия томонидан жамоатчилик назорати тартибида болалар ўртасида стоматологик касалликлар профилактикасини ташкил этиш, болаларга кўрсатилаётган стоматологик хизмат сифатини яхшилаш мақсадида «Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик!» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида Ишчи гуруҳ 2018 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги жами 1401 та умумтаълим мактабидеги ҳолатни ўрганди. Натижада болалар ўртасида кариес касаллигининг тарқалиши 4-7 ёшдаги болаларда 93 фоиз, 8-12 ёшлиларда 86 фоиз, 13-18 ёшдаги болаларда эса 74 фоизни ташкил этаётганлиги аниқланди. Бу муаммо ечимни бўйича халқ депутатлари доимий комиссияларга 20 та, сессияларга эса 5 та масала киритилди. Бу масала Парламентда 2018 йилги Хукумат ҳисоботида тақлифлар сифатида ҳам киритилди.

– **Келгуси йилда партия ўзининг 25 йиллигини нишонлайди. Ўтган вақт ичидан ўз электорати ишончини қозона олдими?**

– Партиямиз ташкил этилган илк йиллар унлайиш даври бўлган бўлса, ҳозир бемалол сўкка туриб, ҳар қандай курашга шай ҳолатда келди. Ўтган давр мобайнида партиямиз томонидан нафақат электротизим, балки мамлакат ва жамятиямиз ривожига оид бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди ва амалий натижаларга эришилди.

Бундан 15 йил илгари, яъни 2004 йилдаги сайловолди дастурида давлат хизматчиларининг бурч ва масъулияти, ваколат доираси, имтиёзлари аниқ кўрсатиб берилган қонун қабул қилинишига эришиш вазифаси белгиланган эди. Натижа шуки,

Электорат эътибори ва ишончи

бугунги кунга келиб, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ҳам дастурий вазифаларимиздан бири эди. Натижа шундай бўлдики, мамлакатимизда инновацияни ривожлантириш масдани туриб, иқтисодиётни ривожлантириб бўлмагани эътиборга олинди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Давлат бюджетидан инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни ишлаб чиқишга ажратилган маблағлар миқдори оширилди.

Мақсад ва вазифаларимиздан яна бири иш бевузи томонидан ишчи-хизматчиларга тиббий суғурга кафолатларини жорий этишга қаратилган эди. Бу масала ечимини «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси»да қайд этилган бўлиб, 2021 йилдан тиббий суғуртани жорий этиш бошланади.

Биз бошқарувда ошқоралик, очкичлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини илгари суриб, 2009 йилда «Электрон ҳукумат»ни жорий этиш буйича дастур ишлаб чиқиш ҳамда унга амалга оширишни тақлиф этгандик. Уша пайтларда «ҳукумат битта бўлади, қанақа электрон ҳукумат тўғрисида гапирасизлар», деб эътирозлар билдирганлар ҳам бўлди. Ўзингизга маълум, 2015 йил 9 декабрда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун имзоланди.

Партия ва депутатларимизнинг узок вақт мобайнида масалани қайта-қайта кўтаришлари сабаб 2019 йилда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

2014 йилдан буён олиб борилган сазий-ҳаракатларимиз натижасида «Инсон органлари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини трансплантация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Тарғиботдан кўнгил тўладими?

– **Сайловлар арафасида тарғибот-ташвиқот ишлари авжга чиқади. Лекин бу жараёнда айни вақтда бор-йўғи 3000 га яқин нуҳсада чиқаётган «Адолат» газетасининг таъсир доираси қандай бўлар экан?**

– Газетамиз адади нисбатан олганда камроқ. Лекин моддий-техник база, ходимларнинг маоши бошқа етакчи нашрлардан қолишмайди. Журналистлар маоши, байрам муқофотлари ва қалам ҳақлари хамиша ўз вақтида олишади. Мен шу кунгача улардан моддий қийинчилик бўйича бирон-бир савол эшитмадим.

Қолаверса, 2019 йил нафақат «Адолат» газетаси, балки мамлакатимиздаги барча босма нашрлар учун жиддий синов йили бўлди. Бошқа партияларни билмадим-ку, лекин 2019 йил бошидан буён газетанинг босмохона харажатларини тўлаб келмоқдамиз.

Биз бугун ҳам газетамиз обунаси учун ҳаракатдамиз ва албатта, ўзимиз режалаштирган мақсадга эришамиз.

– **Партиянинг веб-сайтида партия ҳаёти, фаолияти ва тарихи ҳақида маълумотлар кам. Илмовий, услубий ва техник хатолар эса...**

– Ҳозир уни такомиллаштирмаймиз. Сайт тест режимида ишламоқда. Яъни, у синов жараёнида. Хато ва камчиликлар мавжуд. Улар ҳозир тузатиламоқда. Сайтимиз бўйича тақлиф ва тавсиялар бўлса, бажонидил қабул қилишга тайёриэмиз. Кейинги ойдан унинг янги кўринишига, тўғрилانган, тузилган версиясини ишга туширамиз.

Ҳар ҳафта яқини бўйича сайтимизга кирувчилар сонини назорат қилиб бораемиз. Кирувчилар сони ва саҳифалар кўрилиши бўйича сийсий партиялар ичиде 2-ўриндамиз.

Наримон УМАРОВ,
Ўзбекистон «АДОЛАТ» социал-демократик партияси Сийсий Кенгаши раиси:

«ПАРТИЯМИЗ ҲАР ҚАНДАЙ КУРАШГА ШАЙ ҲОЛАТДА»

– **Яқинда матбуотда «Жамоатчилик депутатлар фаоллигини қониқарсиз баҳолади...» сарлаҳали мақола эълон қилинди. Унда 445 киши қатнашган «Сиз қайси партияни фаол деб айта оласиз?» номли сўровномада Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясида 3 фоиз «овоз берилган». Сиз бундан қандай изоҳлайсиз?**

Сўровнома ҳақида савол

– Албатта, бу каби сўровномалар биз учун ниҳоятда фойдали. Ушбу сўровнома эритилган газета материали билан танишиб чиқдик. Афсуски, унда сўровнома кимлар ўртасида, қачон, қаерда ўтказилгани, иштирокчиларнинг ёши тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Бундан ташқари сўровномалар маълум бир маънода жамятиянинг бирор қисми қарашларини ифодалаган ҳолда ким томонидан, кимлар ўртасида ва қаерда, қачон ўтказилганига қараб натижалари ҳам ўзгариб туради. Таълимнинг исботи сифатида шуни айтишим мумкинки,

Марказий Сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида (elections.uz) барча партиялар ҳақида маълумотлар жойланган. Аҳамиятисиз, ўқувчиларнинг энг кўп қисми «Адолат» социал-демократик партияси ва унинг дастури ҳақидаги саҳифасига ташриф буюрганини кўришимиз мумкин.

Бу каби бир-бирига қарама-қарши натижалар сўровномаларни кўлаб учратиш мумкин. Шундай бўлса-да, юқорида таъкидлаганимдек, сўровномалар фаолиятимизда фақат ва фақат ижобий жиҳат учун хизмат қилади.

– **Партия дастурида белгиланган вазифалар ижроси қай даражада таъминланмоқда?**

Вазифалар ижроси қониқарлими?

– Партиямиз фракцияси ўзининг асосий вазифаси, яъни қонунчилик фаолиятини амалга ошириш билан бирга назорат-таҳлил фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, 2018 йилдаги ўрганишлар натижасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва ундан оқилна фойдаланиш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш, иқтисодий дохинокчаларни ташкил этиш каби муаммолар кўтарилган эди. Айнан шу икки масала фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатасида илк бор ташкил этилган «Хукумат соати» кун тартибига киритилди. Натижада 2018 йил 1 май кунги ҳар иккала масала юзасидан тегишли вазирликларнинг ажбоботи эшитилди ва улар бўйича қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Шунингдек, фракция ташаббуси билан 2018 йил 12 май кунги «Ўлимий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этишнинг ҳолати ҳамда уни амалга ошириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисида»ги парламент сўрови халқ таълими вазирига юборилди. Бу масала Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишида муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

2019 йилнинг февраль – март ойларида фракция аъзолари ва партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳлар жойлардаги «Баркамол авлод» болалар марказларининг фаолиятини ўрганишди. Фракция ташаббуси билан Бош вазир ўринбосари «Баркамол авлод» болалар марказларини фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Парламент сўрови юборилди. Натижада, бу соҳада ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилиши учун Хукумат томонидан қарор лойиҳаси тайёрланишига эришилди.

5 йилда 42 та қонун...

– **Парламентдаги депутатлар фаолияти, уларнинг ташаббускорлиги қай даражада, деб биласиз?**

– «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ўтган 5 йил давомида жами 42 та қонун лойиҳаси бўйича ташаббус билан чиқди ва уларнинг барчаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинишига эришилди. Улар мавзу ва мазмун жиҳатидан турлича, аммо сайловолди гоғларини қозона қилган мосу.

– **«Мана, сайловдан сайловгача беш йил ҳам ўтди ишлов. Сиз, шу даврдаги ўзиниз ва партия фаолиятининг қониқарсизлиги?»**

Баҳони халқ беради

– Дарҳақиқат, жорий йил биз учун ғайибдори сувдан кўтариш йили ҳисобланади. Албатта, ўтган вақт мобайнида режалаштирган қайсидаир ишларимизни баъжардик, қайсидаирларини эса бажара олмадик. Ташаббусдоримиз халқимиз учун фойдали бўлган пайтда кўнгилмиз кўтарилади. Аммо умумий фаолиятимиздан қониқмаймиз. Ҳали халқнинг ишончи, сайловчилар эътирофига эришиш учун кўп ҳаракат ва меҳнат қўлишимиз зарур.

– **Суҳбат учун раҳмат!**

Сўхбатдош:
Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch»

АГРОСНОАТ РАВНАҚИГА КЕНГ ЙЎЛ

Хоразм иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта. Бугунги кунда вилоятда 3620 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Уларнинг 1547 таси пахта-ғаллачиликка ихтисослашган, 656 таси боғдорчилик йўналишида иш олиб боради. 83 та фермер хўжалиги паррандачилик билан машғул. Сабзавотчилик, тутчилик ва бошқа йўналишларда ҳам фермерлик фаолияти йўлга қўйилган.

2018 йил давомида халқаро кредит линиялари орқали ажратилган 57 миллион АҚШ доллари миқдоридега кредит маблағлари эвазига қишлоқ хўжалиги йўналишида 115 та лойиҳа амалга оширилди. 113 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар ташкил қилинди. Чорвачилик ва паррандачилик мажмуалари барпо этилди. Сутни қайта ишлаш қуввати ошди. 5350 тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга замонавий совутичли мажмуа қурилди.

Ипак қурти етиштиришда илк муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Интенсив усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилди. Ҳозирда балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 486 тага етди.

– Соҳадаги ислохотлар, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш тажрибаларининг шакллангани аграр тармоқнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилмоқда, – дейди Шовот туманидаги «Уста Матсафо» фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Ўдабоев. – Бу нафақат фермерлар, балки оддий инсонларнинг ҳам ҳаётига таъсир кўрсата бошлади. Бозорларимизда нарх-наво арзонлашиб, қишин-ёзин тўқинчиликка эришилмоқда.

КЛАСТЕР ИМКОНИАТЛАРИ
Ўтган йили Шовот туманида пахта етиштиришда кластер тизими



мидан фойдаланилди. Ушбу тизим ўз самарасини кўрсатгани тўғрисида йил бир неча туманга татбиқ қилинмоқда.

Вилоятда йилга 250 минг тонна пахта хомашеси олинади. Ундан ишлаб чиқариладиган тола миқдори 85 минг тоннадан зиёд. Ҳозирда толаи худуднинг ўзида қайта ишлаш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Изланишлар самараси ўлароқ толаннинг 45 фоиздан зиёдини қайта ишлашга эришилди. Йил охиригача бу кўрсаткич яна ошади.

Шовот туманидаги «Катқалва текс» МЧЖда ишлаб чиқарилаётган пайпоқлар табиий хомашедан тайёрлангани ва сифати, замонавий дизайни тўғрисида хабар берилди.

ИСТИҚБОЛ ИЖОДКОРЛАРИ

Хоразмда ташкил қилинаётган Президент мактабига 6500 нафардан зиёд ўқувчи ҳужжат топширди. Демак, худуд болалари билимга қўлқон, энг юксак шароитда билим олишга эҳтиёж катта. Бу йил, шунингдек, Отаҳий номидега ижод мактаби ҳам фаолият бошлади. Айни кунларда мактабга қабул жараёнида давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта ташаббус ҳам кенг қулоч ёйиб, ёшлар камулотига ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Мактабгача таълим муассасаларига болаларни жалб этиш салмоғи муттасил ортмоқда. 2019-2021 йиллар давомида вилоят бўйича 3-7 ёшгача бўлган болаларнинг қамро-



Кўхна Тамаддунинг Янги Даври

ДАРДА МАЛҲАМНИ УЗОҚДАН ИЗЛАМАНГ!

2017 йил январь ойида мамлакатимиз раҳбари вилоятга ташрифи давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали фаолияти билан танишиб, хизмат сифатини янада яхшилаш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ўз тавсияларини берган эди.

Шундан кейин муассаса Соғлиқни сақлаш вазирлиги шафеълигида Россия Федерациясининг А.Н.Бакулев номидега юрак қон-томир хирургияси илмий-амалий маркази билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолади. Филиалга марказ директори, академик Л.А.Бокерия келиб, Ўзбекистон шароитида опера-

вини 75 фоизга етказиш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Оролбўйи худудидега мактабгача таълим муассасалари ва ихтисослашган мактаблар учун ота-оналар бадал пули тўловида 2021 йилга қадар 50 фоиз чегирмалар берилганини хоразмликлар ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси сифатида баҳолашмоқда.

БУНЁДКОРЛИК ОҒУШИДА

Узоқ йиллар давомида уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилмаган, шаҳарларда кўп қаватли уйлар қурилишидаги сусткашликлар оқибатида аҳолининг турар жойга бўлган талаби охиб борибди.

2017 йилдан бошлаб уй-жой қурилишида мутлақо янги тизим амалга татбиқ этилди. Хоразм вилоятидега 2017 йилда умумий майдони 877,5 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилди. 2018 йилда 700,9 минг квадрат метр майдонда турар жойлар барпо этилди. 2019 йилнинг биринчи ярмида 96,7 минг квадрат метр турар жойлар қад ростлади.

Энг муҳими, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш масаласи турар жойлар қуриш орқалигина ҳал қилинмаяпти. Авваламбор, уларнинг нархи арзонлаштирилди. Имтиёзли ипотека кредитлари узоқ муддатга берилмоқда. Эҳтиёжманд оилаларга эса бошланғич тўлов давлат ҳисобидан қоплаб берилаяпти.

Вилоятда 300 га яқин оилага бошланғич бадал пулисиз янги турар жойлар қалити топширилди. Қолаверса, 100 дан зиёд хонадонлар эҳтиёжмандларга бепул тақдим этилди.

Шу кунларда Урганчнинг барча мавзелирида кўп қаватли турар жойлар қурилаётганига гувоҳ бўласиз. Шаҳарнинг Ислоом Каримов номидега кўчасида жойлашган эски 1-2 қаватли яқса тартибдаги турар жойлар массиви ўрнида янги замонавий лойиҳа асосида 7 қаватли кўп хонадонли турар жойлар қурилиши бошланди. «Ашқобода» маҳалласидаги эски турар жойлар бузилиб, аҳоли янги турар жойларга кўчиб ўтмоқда.

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» дастурлари доирасида ички йўллар таъмирланмоқда, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чоралари қурилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун яратилаётган шароитлар кўламини тўбора кенгайтиришдан далолатдир.

– Худудга инвестициялар жалб қилиш, сайёҳлик салоҳиятини ошириш, таълим сифатини яхшилаш, саноатни ривожлантириш, тиббий хизмат кўламини кенгайтириш – барча-барчаси замирида эл-юрт манфаати ётибди ва шу тўғрисида ҳам самараси катта бўлмоқда, – дейди Хоразм вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Даврон Аллақулиев. – Чунки халқ энди янги марралар сари дадил одимлайди. Сабоби, уни давлат қўлаб-қувватлаётгани ва олиндаги фаровонлик кутиб турганини яхши билади.

Мухаббат ТўРАБОВА,
«Ishonch»

«Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидега ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосида қуйидаги мол-мулклар сотувга қўйилмоқда:

1. Узун тумани «Узун пахта тозаласи» АЖ томонидан савдога чиқарилган, носоз ҳолдаги икки камерали музлатгич.
Бошланғич баҳоси –150 200 000 сўм.
Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Бахт кўчаси,

3/45-уй манзилида 2019 йилнинг 15-,16-,17 август кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабгорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан за-калат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Ҳамкорбан»даги ҳисобқарамга (20208000400868025001, МФО: 01001, ИНН:305471954) сотилаётган мол-мулк

бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлаган ҳолда, ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларини қабул қилиш савдо бошланғичидан бир кун олдин тўхтайтилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй. **Тел:** (0-376) 224-36-76.
Хизматлар лицензияланган

Эълон

Ўзбекистон Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Хоразм вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоалари тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгаши бўйича масъул ташкилотчиси

Бахтиёр ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси узоқ йиллар соҳада самарали фаолият юритган меҳнат фахрийси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг «ЕНТИРОМ NISHONI» соҳибини

Юсуф ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

«Улуғ учинчи дарё...» ёки Отажон Худойшукуров мероси муносиб эъзоздами?

ТЕГМАГАН «ТОШ»ЛАР

Ҳар бир инсоннинг ўзига хос хулқ-атвори бўлади. Отажон жуда ишонувчан, соддадил, оққун-гил ва меҳри дарё инсон бўлган. Ҳеч қачон бировга ҳасад қилмаган ҳофиз дилидагини баралла айта олган. Айтишларича, ўтган асрнинг 70 йилларида Қорақалпоғистон Маданият вазирлиги соҳадан анча йироқ бир инсон раҳбарликка тайинланади. Ишнинг меҳнат ҳақидан бошлашни маълум кўрган вази билан ҳодимлар ўртасида носоғлом муҳит пайдо бўлади. Раҳбарнинг тақлибига биноан ансамбл-даги найчининг найи, рубобчининг рубоби, доира-кашининг доираси дўконда неча сўм турса, ойлик иш ҳақи шунча бўлиши керак, деган қарорга келинади. Шунда Отажон «Агар мен торни Бокудан олиб келсам (ўша даврда тор дўконларда сотилмаган) нархи минг сўмдан ошиб кетади. Менга шунча ойлик бера оласизми?» дейди. Дарғазаб бўлган вази Отажонни ишдан бўшатади. Бу воқеа ўша пайтдаги партия кўмитасининг биринчи котиби Қалибек Камоловнинг қулугига етиб боради. У Отажонни ишига қайта тиклайди.

Шундан кейин Отажон Худойшукуров Жайхун бўйларида тўлиб-тошиб куйлай бошлайди. «Қайда юрсам соғинтирар, она юртим томонлари. Ҳаёлимда сахар-сахар эсар Жайхун шамоллари» дея куйлаган ҳофиз соҳир сўзлардан куч олди, илҳомланди ва санъат осмониди чараклаган юлдуз бўлиб порлади. Ҳаёлимда раҳбарлик қилган ансамблга «Аму тўлкини» дея ном бергани ҳам бежиз эмас. Чунки Амударё унча-мунча тошларни писанд этмайдиди-да!



«ПАХТАКОР»НИНГ ЖОНКУЯР ИШҚИБОЗИ

Оролбўйида азалдан тўйлар катта давраларда ўтказилган. Даврага доира шаклида шолу сомон тўшалди, ўртага олов ёқилган ва халқ кўчкор, ҳўроз уруштириш, кураш мусобақаларини томоша қилиб, санъаткорларнинг кўшиқларини жон қулуги билан тинилган. Шундай давраларда ҳофиз созини филология солиб, курашга ҳам тушган. Шу боис Отажон Худойшукуров эл орасида нафақат хушовоз хонанда, балки «полвон» лақабини ҳам олган. Бундан ташқари, футболга жуда ишқибоз бўлган. Севимли футболчимиз Биродар Абдураимов билан қалин дўст тутилган. «Пахтакор» коман-даси молиявий жиҳатдан қийна-либ қолганда кўмаклашган.

ОВОЗИДА СЕҲРИ БОР ҲОФИЗ

«Урмиди қўлимга танбур олиб, икки сатр куйлай олмадим. Лекин кўнгил қурғур кўшиқ шайдоси. Ишқ-муҳаббат ҳақида бўлса, эзилди эшитамиз. Айниқса, Отажондек кўшиқчилар куйлаб турса! Шундай овоз соҳибини севмай, у билан факрланмай бўлардимми?!», — дея ифтихор билан таъкидлаган эди атоқли ёзувчимиз Саид Аҳмад. «1967 йилнинг қишида қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Ахвол шу даражага етдики, қариндош-уруғларга рози-ризолик айтишдан ҳам уялмадим. Шунда Отажон уйимда уч кун халис кўшиқ айтди. Аввал бошимни кўтардим. Кейин ўрнимдан турдим. Хуллас, неча шифокор, неча табиб даволаб олмаган Маркс оғангизни Отажон ҳофиз мусиқа ва кўшиқ билан ҳаётга қайтарди!», деб эслган эди Хоразм вилоятининг ғурурига айланган оқсоқоллардан бири Маркс Жуманиёзов.

Сирли акс-садо

Ҳохи мен Сирдарё сайлига борсам, Кўнглима келди қизик бир туйғу; Гўё шу яқин бир жойдан ўтгандай Сирдарёдан кўра каттароқ бир суй!

Шу ҳолга тушман Хоразмда ҳам, Буюк Амударё бўйида туриб, Гўё Жайхундан ҳам баҳайбат наҳр Яқингина жойда оқар ўқириб.

Бу нима? Кўринмас қандай оқим бу? Ерданми, кўрданми келар бу садо? Наҳот тупроғимда кўзга ташланмай Оқиб ётар улуг учинчи дарё?!

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.Ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

УСТОЗ БЕРГАН БАҲО

Амударёнинг нариги ёғида тенгдошларидан ўзининг Худо берган овози билан ажралиб турадиган, талантда тенги йўқ бир йиғит бор. Уни Отажон Худойшукуров дейдилар. Санъат бўстониининг эртанги бўлибуйям, фахриям ўша йиғит бўлади. Унинг овозидаги имконият чексиз-чечарасиз. Ҳали мени айтди, дерсиз...

Комилжон ОТАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти
1970 йил

Шоир Омон Матжон ёзган ушбу сатрлар эл ардоғидаги санъаткорга берилган юксак таъриф эди. «Сеғоҳ», «Дугоҳ», «Сувора», «Феруз» услубида айтиладиган мураккаб мумтоз кўшиқларни баланд пардаларда юракдан куйлаган буюк ҳофиз санъат соҳасида қирқ йилга яқин хизмат қилди. Унинг уч юздан зиёд кўшиги ва мингдан ортиқ ижро этган ашуллари бугун халқимизнинг бебаҳо маданий меросига айланди. Шу маънода у ҳамон эл хизматиди. Жанрангдор кўшиқлари билан ҳар кун мухлислари хонадонларига кириб боради. Умрбоқий кўшиқлари туфайли ҳофиз ҳаминша барҳаёт.

АММО...

1999 йили Эллиққалъа туманида Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма ташкил этилган эди. Маданият вазирлиги, туман ҳокимлиги, Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма ҳамкор ташкилотлар билан ҳар икки йилда ёш хонандалар ўртасида «Нафосат бўстони маним» кўрик-фестивали ва «Ақчақул илҳомлари» деб аталувчи адабиёт ва санъат байрамини ўтказиб келаётган эди. Ушбу тадбирлар туфайли биргина санъат соҳасида халқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов, халқ артистлари ака-ука Ғофур ва Ғулום Эшжонов, Оғабек Собиров, Равшанбек Матёқубов каби истеъдодли ёшлар кашф этилди. Лекин охириги беш йилда номатълум сабабларга кўра мазкур тадбирлар ташкил этилмапти. Ушбу анъана нега аро йўлда қолди? Бу маданият ва санъатга беписандлик эмасми? Ёш истеъдодларни кашф этишга хизмат қилаётган бу тадбирлар аслида анъанавий тус олиши керак эмасми? Ёки ёш иқтидор эгалари йўқми? Бу ҳақда мутасаддиларнинг фикри қандай? Афсуски, ҳозирча бу саволларга жавоб йўқ.

— Устоз Отажон Худойшукуров хотирасига «Нафосат бўстони маним» номли ёш хонандалар кўрик-танловини ўтказишни режалаштирмақдамиз, — дейди жамғарма раиси Ибодулло Саъдуллаев. — Хайри ишларимизни давом эттириб, ҳофизнинг ушалмаган орзуларини рўёбга чиқариш йўлида изланмоқдамиз.

Айни чоғда Тўрткўл тумани маданият саройида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Шу йилнинг октябрь ойида ҳофиз таваллудининг 75 йиллиги нишонланади. Қурувчиларнинг айтишича, ўша санага қадар таъмирлаш ишлари якунланади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Гап шундаки, ҳофиз истиқомат қилган хондонда бир хондан иборат уй-музей ташкил этилган. Юзлаб бебаҳо экспонатларга албатта у торлик қилади. Шу боис барча буюм ва маълумотлар билан танишиш мушкул. Агар уй-музейга янги бино қурилса, зарур шароит яратилса, айни мuddао бўларди. Тўрткўл тумани ҳокимлиги, Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма ва саховатпеша тадбиркорлар ушбу эзу ишга бош қўйса, ҳофиз номидаги уй-музейга нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳлар ҳам бажонидил таъриф бунориши аниқ. Бундан ташқари, Эллиққалъа туманидаги Отажон Худойшукуров номидаги санъат ва педагогика коллежи ҳозирда ихтисослаштирилган махсус мактабга айлантирилган. Ушбу мактабга машҳур ҳофиз номи қайтариб берилса, хайрли иш бўлар эди.

Отажон Худойшукуровнинг ижодий мероси халқимиз маданий ҳазинасининг муҳим бўлагидир. Уни асраб-авайлаш, ёш авлодга тарғиб-таъшиқ этиш ҳам қарз, ҳам фарздор. Бинобарин, Отажон Худойшукуров қолдирган бебаҳо мерос мангуликка дахлдор. Унинг 75 йиллик юбилейини муносиб тарзда ўтказиш эса ҳофиз хотираси олдидаги инсоний бурчимиздир.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch»

(Давоми. Бошланishi ўтган сонда)

ТИЛ ВА ФАН

Ёзув абадий эмас. Уни йўқотганлар ҳам кўп. Аммо эгаси тил тарихий билимларимизнинг ўлмас манбаидир. Бироқ ёзма битиклар сақланиб қолибди, тил сақланиб қолибди, энди уни ўқи.

Бир ярим минг йиллик скандинав руник ёдгорликлари тили замонвий олмоншуносликка тушунарсиз. Рунашуносликка икки юз йил бўлибдики, ҳали ҳам бирор ёдгорлик тўлиқ ўқиб тушунилмаган. Деярли ўша даврга оид туркий қабртош битиклари матни эса ҳозирги жонли нутқдай жаранглаб турибди. Сўз эскиради, деган лингвистлар бу хулосага ҳинд-европа тиллари тарққиётини қузатиш натижасида келганлар ҳамда бошқа тиллар тарихидаги ўзига хошликни ҳисобга олмай амалиётга татбиқ этганлар.

Туркий тиллар бир неча соф техник хусусиятлар сабабли сўзлар ўз қиёфасини сақлаб қола олган.

Туркий тилларда агглютинативдир, яъни ўзақ ва қўшимчалар қатишиб кетмайди, балки у ҳаракатдаги таркиб хусусиятига эга бўлади. Ўзақ эса доим олдида бўлиб, у ҳеч ҳам ўзгармайди. Улар қўшимчалар (товуш сифати)га таъсир этади, аммо акси бўлмайди.

Ҳинд-европа тилларида эса ўзақ ва аффикс қатишиб кетади. Уста пианиночи билан энди ўргана бошлаган шогирд чалишни кўз олдингизга келтиринг. Уста ҳар қандай тезликда ҳам биттадан клавиша бармоқларини теккизиб, ҳар бир овозни тиниқ чиқара олади. До-ре-ля агглютинативлик формуласидир. Чалишни энди бошлаган пианиночи бармоғини бирдангина икки клавишага уриши оқибатида овозлар қоршиб дре ҳосил бўлади. Бу қатишиб кетишнинг образли формуласи.

Агглютинация сўзнинг дахлсиз сақланиб қолишига имкон беради. Чатишиб кетиш эса сўзни емиради. Ургу доимий равишда сўзнинг охириги бўғинига тушади. Олд қўшимча (предлог)лар йўқ. Улар ҳинд-европа тилларидаги ўзақ олдида келиб, тарққиётди давомида қалбаки негизларни ҳосил қилган.

Морфологик тарихнинг ўзгармаслиги туркий сўзнинг ўта мушаккамчилигини таъминлайди. Унга тарихий сабаблар — турмуш консерватизми (кўчманлик турмуш тарзи) ва динни (тангричилик, яъни ота-бобалар руҳига сиғиниш) ҳам қўшимиз.

Қариндош ҳисобланган тилларни батафсил қоғиштириш улар лексикасида катта фарқлар борлигини намоян қилади. Бомси тил лексикасининг (мағзи) ядроси — асосий луғат фонди ва қобидан иборат. Қобик луғатнинг жами бўлиб, икки минг йил давомида ҳатто яқин қардош тилларда ҳам тўлиқ алмашилиб кетиши мумкин экан. Ўзгармас асосий фонд бутун луғатнинг 1-2 фоиздан кўп бўлмаган қисмини ташкил этади. Қиёс учун шу кичик фойз сўзларга олинади. Математик лингвистика шу о сўзларнинг 15 фоизи ҳам минг йиллар мобайнида истеъмолдан чиқиб, ўрнига бошқа сўз келар экан. Ана шунинг учун ҳам Шумер тилининг ҳозирги бирор тил билан қариндошлиги аниқланмаётган бўлса керак. Зотан, бу тилининг ажралиш вақти ниҳоятда узоқ замонларга бориб тақалади.

Бу назарияга кўра луғатнинг 99 фоизи жуда қисқа мuddада тўлиқ бузилиб бўлади. Мухтарам В.В.га ишонилса, бунинг учун икки минг йил керак бўлади. Ишонайлик-да, фараз қилайлик. Демак, миллоддан аввалги IV минг йилликда боботурк тили луғатида бўлган 100-200 сўздан бизгача 10-20 сўзгина аранг етиб келади. Чунки асосий луғат фондининг 90 фоизи йўқолиб кетган бўлиши керак. Бунинг устига қолган оз сонли сўзлар ҳам фонетик ўзгаришлар оқибатида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган бўлади. Шундай қилиб, туркий сўзлар шумер ёдгорликларида акс этган тақдирда ҳам ҳозирги луғат билан фақат 10-20 сўзни қоғиштириш мумкин. Улардаги фонетик ва маъно фарқлари туфайли ҳозирги тиллар билан қариндошлигини аниқлаш амалда мумкин бўлмай қолади.

Бу назария балки ҳинд-европа тиллар гуруҳига тўғри келар. XIX асрда сунъий тарзда вужудга келтирилган шу оила тилларини ўзаро қиёслаган, грамматикадаги катта фарқларни кўрган олимлар «сўз ўлади» деган хулосага келдилар ҳамда уни барча тилларга татбиқ қилишга киришдилар.

Ҳинд-европа тиллари андозаси билан олтой тиллари оиласи яратилди. Мавжуд назарияга биноан ҳозирги ҳинд-европа ва олтой тиллари оилалари Исо Масиҳ таваллуди

дан бирмунча олдинроқ, деярли бир вақтда пайдо бўлган. Демак, туркий тиллар ҳам худди ҳинд-европа тиллари каби ажралиш, тарққалиши бошдан кечирган бўлиши керак. Лекин туркий тилларда асосий фондни луғати таркибидан ажратиш анча мушкул.

Туркий тиллар аксариятининг луғати ва грамматикаси бир-бирига тўлиқ мутаносибдир. Ушбу феноменин изоҳлаш, тушунтириш зарурати мавжуд.

Қадимги ҳинд ва эрон ёзув тизимида чў-

тиклаш лозим эди. Қиёсланаётган лексемалар сонининг камлиги туркий сўзлар билан ўхшашлик тасодифий бўлиши мумкин, деган фикрга олиб келади.

Ҳоммелнинг мағлубиятини ҳисобга олган ҳолда, биз луғатнинг турли қисмларидан олинган яқка сўзларни эмас, балки алифбо тартибини бузиб бўлса ҳам, лексемаларнинг сематик уясини ажратиб, уни мутаносиб туркий атамалар билан қағиштириб кўрдикки, энг кўп ўхшашлик икки тоифа сўзларда кўринар экан: а) Худо, б) инсон. Бу икки тоифа



Ўлжас СУЛАЙМОНОВ:
Шумернома
Ўхуд илк тамаддун асосчилари

Ўғуз-қорлуқлар сўнги минг йилликда (тарихий илмий кузатиш мумкин бўлган чоғда) бир неча маданият ва диний алмашилини бошдан кечирди: буддизм, монйилик, несторианлик, зардуштийлик, ислом. Бу динларнинг ҳар бири ўз ёзуви, санъати, турмуш тарзи, этноси, тили билан бирга кириб келади. Ҳинд тили ва ёзуви (бахрми), эроний тиллар ва ёзуви (суғда), араб тили ва ёзуви «е» мавжуд эмас (зарурият бўлганда уни «а» билан алмаштиридилар). Уларда чўзиқ унлилар бор. Айнан мана шу хусусиятларига кўра ҳозирги ўғуз-қорлуқ тиллари қипчоқ тилларидан фарқ қилади.

Фақат араб тили йиллар давомида доимий кўллаш билангина очик «а»га ва чўзиқ унлиларга ўрганиб, кўникма ҳосил қилди. Қуръон ҳам, аруз ҳам ўғуз-қорлуқ тилларига таъсир қилган. Бу ҳақда озар шоири ва олими Ризо Расул шундай деган: «Озарбайжон назмида юзлаб йиллар давомида асоси узун ёки қисқа товушларга таянган, 19 кўринишига эга бўлган аруз вази қўлланди. Бу вази кенг кўламда ишлатиш озарбайжон тилига катта жароҳат етказди. Қўллаб араб, форс сўзлари тизимни ифослаштириб, баъзи соф озар сўзларининг табиий жарангини ҳам сўндирди».

Асли чалғимасдан тўғри шумер-турк контактидан бошлашни астойдил истардим. Афсуски, туркологияда умумий муаммоларни тилга олмасдан энг жузъий масалаларни ҳам ҳал қилиб бўлмайди.

Шумер тили ва туркий тиллар аввал ҳам чоғиштирилган (Ҳоммел) ва икки методологик ғалатликка йўл қўйилган:

1. Ҳеч нарсага эътибор бермай, бу тиллар қариндошлигини исботлашга интилиш бўлган.

2. Луғатнинг турли сатҳларидан ўнга яқин сўз, яъни жуда ҳам сўз чоғиштирилган.

Натижалар: Ҳоммел қулгига қолди. Унинг уринишлари ғайриилмий қиёслашдан чиқарилган ғайриилмий хулосаларга мисол тарихида китобларда акс этидиган бўлди. Тўғри, бундан бошқа камчиликлар ҳам кўрсатилган; у шумер тилидан олинган сўзларни турли туркий тиллар билан қиёслаб кўя қолади. Аслида эса илк шаклларни

шумер сўзларининг кўпи туркий сўзларга боғлиқ. Шу билан бирга, шумер тилига туркийдан ўзлашган ва ҳозирга қадар туркий тилларда сақланиб, атрофлича ўрганилган сўзлардир. Бу эса шумерлар бир неча туркий қавмлар билан мулоқотда бўлганини, шумер-турк контакти бир марта эмас, бир неча бор юз берганини билдиради. «Қари» туркизмлар билан бирга ҳали шаклини ўзгариштириш улгурмаган «янги» туркизмлар ҳам бор ва анчагина.

Энди муҳим савол: шумер ва туркий тиллар бир-бирига қариндошми? Уларни семантик қиёслаш мана шунга жавоб бериши керак. Ҳа, қариндош, лекин қариндошлик генетик эмас. Уларнинг қариндошлиги ҳозирги ўзбек, дунган, малай, черкас, урду, эрон, осетин ва араб тиллари қариндошлиги даражасида. Бундай қариндошликни маданий қариндошлик деб аташ мумкин. Бу тиллар бир дин доирасидаги маданий федерациядир.

Аммо жуда қадимий маданий қариндошлик билан сўнги маданий қариндошлик тушунчаларини фарқламоқ керак. Сўнгисидида бойиб, барча сатҳлари мукамаллашиб борган тиллар контактада бўлганлиги учун ҳам фақат диний лексикани (Худо синфи) ва айрим маданий атамаларни ўзлаштиради. Жуда қадимги қариндошлик босқичида, яъни ўзаро таъсир этувчи тиллар энди бир қопилга тушаётган паллада эса таъсир доираси анча кенг бўлади. Инсон, табият, маданият туркумидаги сўзлар ўзлаштирилиши мумкин.

Менимча, туркий тиллар жуда қадимдан шумер тили, кейинроқ мўғул тили ва сўнроқ араб тили билан маданий қариндошликда бўлган. Бу жараёнда араб маданий таъсир шумер ва мўғул маданий таъсир натижаларини узил-кесил суриб чиқармаган, балки унинг устига ўрнашиб, уни ҳайраштириб, пасивга айлантирган. Бу тилнинг ҳайратланарли ўзига хослиги (кўп қатламлилиги) қозоқча «Алла-Тангри» атамасида намоён бўлган. Бу қўшма сўз билан энг сўнги қозоқ кўчманлари Ягона, Шериксиз Худони атайди (Худонинг исми бузиб айтилмайди, чунки диний атамалар ҳар қандай тил лексикасининг энг бардошли тоифасидир).

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда шумер сўзларининг туркий сўзларга ҳеч қандай тасодифиз эмс келганлари жадвалини тузишга киришдик. Шунга ҳам айтиб ўтмоқчиманки, шумерча ёзмаларини ҳазинасига етказилган зарар шу даражада кўп эдики, мен тўлиқ шумер-турк луғати тузиш ҳаёлидан воз кечишимга тўғри келди. Нобуд бўлганларни тиклашга ҳаракат қилсам, Москва ва Ленинград кутубхоналарида яна бир неча йил босим ўтиришим керак бўлар эди.

(Давоми келгуси сонда)

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-90-28
Навоий — (+998-99) 889-90-25
Тошкент — (+998-99) 889-90-28
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусаҳҳих:
С. Шодиева

Саҳифафаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎЗА яқини — **22:45**
Топширилди — **23:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Бюджетга Ғ — 717, 28020 нусxada босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

1 2 3 4 5